

Мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи ва бой маданиятининг, Янги Ўзбекистон имкониятларининг ёрқин кўзгуси бўлган ушбу бетакрор ва буюк мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Куйдаги QR код орқали давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимидаги нутқини ўқинг:



ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАТАДИГАН НОЁБ МАЖМУА



Ислам оламининг қадрин қасри бу

Улуғвор бинолар Юртга юз бўлғай,
Аждоддан авлодга ёруғ из бўлғай,
Кўрганда яшнаган қанча кўз бўлғай,
Янги Ўзбекистон битта жисми бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Бино бунёд бўлар жон оромига,
Бошқаси бўй чўзар шон оромига,
Бу қаср кавсардир ақл жомига,
Қуришда ўзбекнинг янги асри бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Бунда буюкларнинг руҳи устувор,
Имом Бухорийнинг номин нури бор,
Ким қалб кўзин очса такрор ва такрор,
Аждодга муносиб элнинг насли бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Улуғ Термизийлар, бобо Нақибанд,
Ибн Сино ўйлаган орзуга монанд,
Шонли Берунийнинг шонига пайванд,
Ўлмас даҳоларнинг ҳаёт дарси бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Тарих тилга кирса, олам уйғонар,
Қувонч уйғонади, алам уйғонар,
Бу даргоҳга қирган одам уйғонар,
Миллат муродининг асрий асли бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Қуръон қудратини кўрмоқ бўлганлар,
Ўзбек ибратини кўрмоқ бўлганлар,
Иймонида собит турмоқ бўлганлар,
Элим маърифатин сўнмас шамси бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Қадим тарихин дин илмин рости шунда,
Биринчи Ренессанс бўй-бастини шунда,
Иккинчи Ренессанс нур дастини шунда,
Боқий ўтмишимиз илмий исми бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Бунда бугунимиз камоли бордир,
Учинчи Ренессанс аъмоли бордир,
Ёруғ келажакнинг иқболи бордир,
Ўзбек ўзлигининг кўклар фасли бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Аллоҳнинг назари тушган Ватан бу,
Дину динданда боқий чаман бу,
Шукримиз шаклида шеърини суҳан бу,
Уч минг йиллик тарих тиниқ наصري бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Бу очиқ китобдир, Ислам китоби,
Олам орзу қилган илм шитоби,
Юртбоши ниятин жонбахши офтоби,
Янги Ўзбекистон янги васли бу,
Ислам оламининг қадрин қасри бу!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



2026 йил 17 март кунин Тошкент шаҳрида халқимиз учун тарихий воқеа – Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу кунин Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг расмий очилиш хамда ифторлик маросимида иштирок этди.

Куйдаги QR код орқали Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистондаги Ислам цивилизациясига ташрифи тафсилотлари билан танишинг:



Президент қарори билан, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг шу ҳақдаги ахбороти қабул қилиниб, 20 март – Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонланадиган белгиланди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март кунин худудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар билан танишини хамда янгиларини ишга тушириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазифаларни белгилаш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф бурди.



ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврӯз умумхалқ байрами ва муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, меҳр-оқибат, олижаноб фазилатларни намоен этган ҳолда хамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган хамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 392 нафар шахс афв этилди. Афв этилган шахсларнинг 223 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 82 нафари жазони ўташдан

муддатидан илгари шартли озод қилинди, 34 нафарининг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 53 нафар шахсларга тайинланган озодлиқдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди. Афв этилганларнинг 3 нафарини чет эл фуқаролари, 26 нафарини аёл, 14 нафарини 60 ёшдан ошган эркеклар, 166 нафарини ёшлар хамда 24 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади. Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

«Мен кўз олдимизда очилган ушбу тарих – Ислам цивилизацияси маркази билан танишиб, кўнглимдан иккита ўқини ўтди. Биринчидан, шундай улуғ тарихимиз бўла туриб, уни дунёга кўрсатолмаган эканмиз. Қолаверса, дунё бўйлаб инсониятнинг мафтун қиладиган маданий меросимиз сочилиб ётган экану, уларни бир жойга йиғиш, шу нодир буюмларни бизнинг боболаримиз ясаган, ижод этган, ихтиро қилган, деб кўрсатиш ҳақида ўйламабмиз.

...Шу маънода бугун биз Шавкат Мирзиёевнинг миллатга, ватанга бўлган чексиз муҳаббати, ўз она халқи олдидаги фарзандлик бурчига бўлган садоқатини кечаги кун хатолари, халқнинг дилидаги андуҳларни ювиб кетадиган толеннинг бир июнатидек қабул қилсак, адолатдан бўлади, албатта».

АЛАМИМ БОР...

Давлат, миллият қўлини ушбу тарихий меросимга қўйиб, миллиятимизни тарихий меросимга олиб келишга ҳурят қилди. Бу тарихий меросимни миллиятимизнинг қўлига олишга ҳурят қилди. Бу тарихий меросимни миллиятимизнинг қўлига олишга ҳурят қилди.



Ўзбекистондаги Ислам цивилизациясини бунёд этиш ғоя ва мақсадлари мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Аламим бор...» мақоласини ўқини тавсия этамиз. Куйдаги QR код орқали ушбу мақолани ўқинишнинг мумкин.



Ҳамишалиғ таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадой бўлсанг-да боғ ярат – бир кунмас-бир кун мевасини татирсан...

Амир Темур

«Яшил макон»га муносиб ҳисса

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ БОҒЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА



Фототаълим УМУРЗОҚОВА ошган суратлар

Навбахор туманидаги «Юқори Бешрабод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Федерациянинг вилоят кенгаши томонидан икки минг туп бодом дарахти кўчати экилди.

Хашарда вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг 50 нафарга яқин ходимлари, тармоқ касабаси уюшмалари раислари, масъул ташкилотчилар, маҳалла фаоллари ҳамда нурунийлар қатнашди.

Амалга оширилаётган бундай эзгу тадбирлар, албатта, Янги Ўзбекистон равнақи йўлида олиб борилаётган ишларнинг мантқиқий давомидир. Келгусида бу ерда бир маскан яратилади, келажак ворислари ундан баҳраманд бўлиб, Ватанимиз куч-қудратини янада мустақкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишларига ишонамиз.

Моҳиғул ШАМСИДИНОВА,

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси
Навоий вилояти кенгашининг Ташкилий ишлар бўлими
этаки мутахассиси

Қорақалпоғистонда ҳам умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилди. Ушбу тадбир нафақат шаҳар ва овулларни тозалаш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилгани, балки халқнинг ҳамжиҳатлиги, қадриятларга содиқлиги ва ижтимоий фаоллигини намоён этишига хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли бўлди.



Хашарда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши, тармоқ, бошланғич ташкилот касабаси уюшмалари ходимлари фаол иштирок этдилар. Хусусан, кенгаш ҳудуди ободонлаштирилиб, дарахтларга ишлов берилди, чиқиндилар тозаланиб, теварак-атроф тартибга келтирилди.

Бўзатов санаторийси ва болалар дам олиш оромгоҳларидаги ҳашар ҳам ўзига хос тарзда ўтказилди. Департаментнинг Қорақалпоғистон бошқармаси бошлиғи Раҳмон Мадримов таъкидлаганидек, мазкур тадбир оромгоҳ ходимлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва меҳнатсеварлик ҳиссини янада оширди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Ҳар йили Наврўз байрами арафасида юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадаллашади. Бу саъй-ҳаракатлар табиатга эҳтиром ва жамоавий ҳамжиҳатлиқни мустақкамлашга ҳам хизмат қилади. Нурафшон шаҳридаги «Ўзбекистон касабаси уюшмалари боғи»да ўтказилган кўчат экиш тадбири ҳам аини шу айём арафасидаги эзгу ва хайрли ишлардан бири бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси ҳамда 100 нафарга яқин ходим касабаси уюшмалари боғини кенгайтириш учун ажратилган кўшимча 4,7 гектар ерга дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги қилинаётган ишларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, – дейди ташкилот матбуот котиби Муҳаббат Ўрмонбекова. – Бугун Нурафшон шаҳрида барпо

этилган «Ўзбекистон касабаси уюшмалари боғи»да кўчат экиш ва ободонлаштириш ишларида қатнашялмиз. Утган йилларда ушбу боғдаги 5,5 гектар ерга агротехник ишлов берилиб, 46 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ва турли қишлоқ хўжалиги экинлари экилган эди. Бу йил яна 4,7 гектар ерга 21 минг тупдан ортиқ дарахт ва гул кўчатлари қадалди. Шундай қилиб, боғ жами 10 гектардан ортиқ майдонга эга бўлди.

Боғда «Касабаси обод ма-

кон» МЧЖ фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ўнлаб боғбонлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари бу ердаги яшилликлар ва дов-дарахтларни маромида парваришлаб келишмоқда.

Келажакда бу ҳудудда қад ростлайдиган минглаб дарахтлар унинг кўрқига кўрк қўшувчи, аҳоли учун соф ҳаво, салқин ва ағзал манзара бахш этувчи бебаҳо манбаларга айланиши шубҳасиз.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Фарғона шаҳрининг «Янги Ўзбекистон» масъули «Касабаси уюшмалари боғи» барпо этилди. Уюшма аъзолари иқлим шароитига мос минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари экишди.



– Давлатимиз раҳбари ўтган йили Ўзбекистон касабаси уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учра-

шувда ҳар бир ҳудудда «Касабаси уюшма боғлари»ни барпо этишни тақлиф қилган эди. Мана, ўша ташаб-

бус амалга ошяпти. Албатта, шаҳримизда гуллаб-яшнайдиган боғнинг яратилиши бarchа ишчи-ҳодимлар учун қувончлидир, – дейди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев. – Улар ўз кўллари билан боққа кўчатлар ўтқазиб, ободликка ҳисса қўшишди.

Шубҳа йўқки, «Касабаси уюшма боғи» вилоятнинг файзли тўшасига айланади.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Жараён

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ИЖРОСИ: ТАҲЛИЛ ВА ВАЗИФАЛАР

Давлат кадастрлари палатасининг Наманган вилояти бошқармасида 2025-2027 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижросига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошқарманинг 14 та туман ва шаҳар филиалларидан вакиллар иштирок этдилар.

Дастлаб Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашининг Ижтимоий ҳимоя бўлими бошлиғи Қахрамон Содиқов жамоа шартномаси ижроси ҳамда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди. Сўнгра бошқарма бошлиғи ўринбосари Равшанбек Раҳимов ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.

Таъкидланганидек, жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятлар доирасида меҳнат қончилигига риоя этишга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида амалий чоралар кўрилди. Хусусан, ҳисобот даврида ходимларга иш ҳақлари ўз вақтида тўланиб, қарздорликка йўл қўйилмади. Жамоа аъзолари устама ва қўшимча тўловлар, рағбатлантирувчи мукофотлар билан таъминланди. Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида йўлқира ва овқат пуллари ажратилди, куз-киш мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилишлари учун маблағлар берилди. Шунингдек, моддий ёрдамга муҳтож хо-

димларга кўмак кўрсатилиб, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ўз вақтида тўлаб борилди.

Йиғилишда иштирокчилар томонидан жамоа шартномасида назарда тутилган айрим бандлар ижросидаги камчиликлар танқидий муҳокама қилинди. Шу асно келгусида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, хато-камчиликларга йўл қўймастик бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

– Жамоа шартномаси ишчи-ҳодимлар учун жуда зарур ҳужжат ҳисобланади, – деди Агроекономика ва қишлоқ ҳўжалиги қисми раиси Зулхумор Ҳожиматова. – У орқали иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар тартибга солинади. Айниқса, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ёрдам ва меҳнат шароитларини яхшилаш масалалари жамоа шартномасида аниқ белгилаб қўйилгани муҳим аҳамиятга эга. Амалга оширилган ишларни ҳамда камчиликларни муҳокама қилиш эса жамоада очкилик ва ўзаро ишонч муҳитини мустақкамлайди.

Шу кун Наманган вилояти Косонсой

туманидаги «Подшо ота – Чодак» ирригация бошқармасида ҳам жамоа шартномаси ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши ҳамда 2026-2028 йиллар учун ишлаб чиқилган янги жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокама қилинди. Бошқарма раҳбари Абдураҳмон Абдиев ва касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Алишер Абдуллаев жамоа шартномаси доирасида амалга оширилган ишлар, хусусан, меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳақ-хуқуқларини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бердилар.

Тадбирда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Дўстмурод Тўйчиев иштирок этиб, жамоа шартномаларининг аҳамияти ва ижросини таъминлаш масалаларига тўхтади. Муҳокама юзасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг ижроси қониқарли, деб баҳолалиб, 2026-2028 йиллар учун янги жамоа шартномаси лойиҳаси маъқулланди.

Алишер ЖАВҲАРОВ,
Агроекономика ва қишлоқ ҳўжалиги қисми раиси
кенгашининг Наманган вилоятидаги
масъул ташкилотчиси

Конференция

«Худудга таъминот» АЖнинг «Худудгаз Сирдарё» газ таъминоти филиалида 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда иш берувчи ва бошланғич касабаси уюшмаси раиси Акмал Бобомирзаев ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга атрафлича тўхталиб ўтди.

ШАРОИТ БОР ЖОЙДА УНУМ БЎЛАДИ

Таъкидланганидек, ўтган йили ҳодимларнинг саломатлигини тиклаш ва мустақкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ижтимоий суғурта ҳисобидан 5 нафар ишчига 27 миллион 360 минг сўмлик, 2 нафар ходимга эса касабаси уюшмаси маблағлари ҳисобидан 15 миллион 780 минг сўмлик имтиёзли йўлланмалар тақдим этилди. Шунингдек, 8 нафар ходим дам олиш масканларида саломатлигини тиклади. Бунинг учун 33 миллион 120 минг сўм йўналтирилди.

Оғир вазиятга тушиб қолган ходимларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, 3 нафар ходимга мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун 13 миллион 169 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, касабаси уюшмаси томонидан ходимлар мурожаатлари асосида 113 нафар хизматчи ва жами 66 миллион 723 минг 500 сўмлик моддий ёрдам ажратилди.

Касабаси уюшмаси томонидан иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга оид 5 та ҳолат

кўриб чиқилиб, шундан 4 тасида ишдан бўшатишга розилик берилмади. Бу ходимларнинг ҳуқуқий ҳимояси амалда таъминланаётганини кўрсатади. Ёш авлод саломатлиги ва фаровонлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ёзги мавсумда 96 нафар ходимнинг фарзандлари болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар асосида юборилди. Бу мақсадлар учун 158 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, ички туризмни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида турли саёҳатлар ва спорт мусобақалари ташкил этилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар яратилган меҳнат шароитлари ва ижтимоий кафолатлардан мамнун эканликларини билдиришди. Шундан сўнг 2026-2028 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокама қилиниб, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Бахтиғул ХИДИРАЛИЕВА

Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат, То бергай амон шарирдин ул суҳбат.

Алишер Навоий

Урушлар ва низолар авж олаётган, асрий анъаналару тасаввурлар емирилаётган бир даврда яшаймиз. Кўз ўнгимизда дунё тартиботи ўзгармоқда, гўёки эски иморат нураб бораётгандек. Яқин Шарқ яна олов ичида, Афғонистон билан Покистон муносабатлари янада кескинлашган, Украина ва Россия ўртасидаги уруш эса ҳали-ҳануз давом этапти. Жаҳонда кечаётган шундай бир таҳликали вазиятда мамлакатимизда қатор бунёдкорлик иншоотлари фойдаланишга топширилди. Хусусан, кечагина расмий очилиши бўлиб ўтган, Янги Ўзбекистон иқомиятларининг ёрқин кўзгуси бўлган бетакдор ва буюк мажмуа Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ўз бағрини бутун дунёга очди. Аини жараёнлар кишини беихтиёр чуқурроқ ўйлашга, давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган сиёсати хусусида мушоҳада юришига чорлайди.

БАРҚАРОР ЖАМИЯТ – ЭНГ КАТТА ҚУДРАТ

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиши муносабати билан дилдан кечган ўйлар

1

Бир пайтлар мувозанатни ушлаб турган дипломатик келишувлар, кўрқитиш орқали тийиб туриш механизмлари, иттифоқчилик тамойиллари издан чиқмоқда. Илгари хавфларнинг олдини олишга қаратилган халқаро сиёсат бутун фалокатларнинг оқибатларини бошқаришга тобора мослашиб бормоқда.

Бу эса инсоният барқарорлиқни таъминлаш босқичидан бекарорлик билан яшашни ўрганиш босқичига ўтаётганини аниқлади. Яъни тартибсизлиқни бошқариш янги меъёрга айланган. Эрон атрофидаги воқеалар ана шу жараённинг энг ёрқин ва ташвишли мисолларидан бирига айланди. Уни одатдаги минтақавий можаро сифатида баҳолаш – вазиятни хаспўшлаш билан баробар. Аслида бу – «куч билан тартиб ўрнатилган муносабат», деган саволга берилган наватдаги ва ниҳоятда хавфли жавоб. Ушбу тажриба замонавий дунё тартиботи ўта мўрт эканини яна бир бор исботлади. Уни маълум вақт ҳарбий устулик эвазига ушлаб туриш мумкин, аммо асло барпо этиб бўлмайди. Чунки тартиб нафақат кўчлар мувозанати, балки мазмун-моҳият, келишув ва ўзаро тан олиш натижасидир.

Кўчли тарихий муаммоларни ҳал этишнинг универсал воситасига айлантириш ҳақидаги тасаввур эса амалда энг хавфли адашлардан бири бўлиб чиқмоқда. Зеро, тарих зўравонлик қисқа муддатли натижа бериши мумкинлигини, аммо ҳеч қачон барқарор ечим яратмаётганини кўп бор исботлаган.

Айнан шу адашшиш – ҳарбий устулик ўз-ўзиндан сиёсий натижага олиб келади, деган ишонч сўнгги ўйилликлар давомида қайта-қайта синовдан ўтди ва ҳар гал ўзини оқламади.

Ироқда режим ағдарилди, аммо барқарор давлат тизими шаклланди. Ливияда ҳокимият йиқилди, аммо унинг ўрнини институционал тартиб эгаллади. Афғонистонда йиллар давомида олиб борилган ҳарбий амалиётлар ниҳоятда катта ресурслар сарфланганига қарамай, сиёсий натижа нуқтан назаридан мустаҳкам ва узоқ муддатли ечимни таъминлай олмади.

Бугун эса Яқин Шарқнинг янги нуқталарида айнан шу сценарий такрорланиши эҳтимоли янада кучаймоқда.

Ҳақиқат шунки, вайрон қилиш осон. Замонавий технологиялар шариоҳида бу жараён тез ва самарали амалга оширилиши мумкин. Аммо вайронлар узра барқарор тизим куриши – мутлақо бошқа даражадаги вазифа. У нафақат ҳарбий ресурсларни, балки сиёсий ирода, институционал тажриба, ижтимоий ишонч ва маданий уйғунлиқни ҳам талаб қилади.

«Давлатнинг ҳақиқий қудрати нафақат мажбурлаш қобилияти, балки мазмун ва ишончли шакллантириш салоҳияти билан ҳам белгиланади», дейди америкалик сиёсатшунос Жозеф Най. Бу фикрни соддарок ифода этсак, қудрат фақат қуролда эмас – ғояда.

Шу боис кўчинг босим қилиш ва таъсир ўтказиш билан боғлиқ мезонларини унутмаслик керак. Биринчиси тезда натижа бериши мумкин, аммо кўпинча умри қисқа бўлади. Иккинчиси эса секин шаклланади, лекин узоқ муддатли бўлади ва барқарор таъсирини таъминлайди.

Бугунги дунёда чегаралар, таъсир доиралари ва ҳатто келажак сценарийлари айнан шу икки куч тури ўртасидаги мувозанат орқали белгиланмоқда. Ва қайси томон бу мувозанатни тўғри англаша, келажакни ҳам ўша белгилайди.

Вашариат вайронкор технологияларни қанчалик чуқур ва мукаммал ўзлаштирсан, дунёни кўрқув, қасос ва чек-чегарасиз эскалация ҳудудларига парчаланиб кетишдан нима асраб қолиши мумкин, деган савол шунчалик кескин ва ноқулай тарзда кун тартибига чиқарилди.

Ташқи муҳит тобора бекарорлашиб бораётган бир пайтда жамиятларга ички барқарорлиқни нима беради, ва энг муҳими, давлат қандай қилиб нафақат сиёсий конструкция, балки ўз ғоясига эга, ўз мавжудлиги маъносини ўзинга ҳам, дунёга ҳам тушунтиришга қодир тирик тизим сифатида сақланиб қолади, деган яна бир савол тугғилиши муқаррар. Ва бу саволлар тамаддунимиз келажакига дахлдор.

Тарих эса бу борада давлатлар ташқи зарбалардан эмас, балки ички бўшлиқдан емирила бошлайди, деган аниқ ҳулосани такрорлайди. Империялар ҳам, кучли давлатлар ҳам айнан маънолари йўқолгандагина кулашни бошлайди.

Агар жамият нима учун яшаётгани, қандай қадриятларга таянаётгани ва ўзини қандай идрок этаётганини англомай қолса, уни ҳеч қандай ташқи хавфсизлик тизими сақлаб қола олмайди. Қуроллар ҳудудни ҳимоя қилиши мумкин, аммо ғояни эмас.

Шу нуқтан назардан қараганда, жавобни фақат хавфсизлик, дипломатия ёки иқтисодиёт доирасида излаш камлик қилади. Тўғри, улар зарур унсурлар. Аммо барқарорлик учун етарли эмас. Барқарорликнинг илдизи чуқурроқда – маданиятда, тарихий хотирада, билимда ва халқнинг ўзини англаш қобилиятида яширин. Жамият ўз ўтмишини англай бошлагандагина келажакни барпо эта олади.

Айнан шу омиллар жамиятга ташқи босимлар шароитида ҳам парчаланмаслик имконини беради. Улар «ички мувозанат»ни шакллантиради. Шундай мувозанатки, у йўқолган жойда энг кучли давлат ҳам заифлашади, мавжуд бўлганда эса ҳатто қийин шароитда ҳам жамият ўзини сақлаб қолишга қодир бўлади.

2

Тўғриси, кеча мамлакатимиз пойтахтида Ислом цивилизацияси марказининг очилишига бағишланган кўрсатувни кузатар эканман, беихтиёр шу саволлар ҳақида ўйга толдим.

Ушбу марказининг очилишини оддий маданий воқеа

сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу маданий ташаббусдан кўра анча кенгрок ва теранроқ маънога эга дунёқараш лойихасидир. Унда глобал бекарорлик шароитида жамиятни ичдан мустаҳкамлашга қаратилган аниқ ва узоқни кўзлаган стратегия мужассам, десак, асло муболага бўлмайди.

Чунки гап фақат бино ёки экспозиция ҳақида бормаяпти. Гап – мазмун-моҳият яратиш, жамиятга ўзини англаш, ўз илдизларини қайта кашф этиш ва келажакка ишонч билан қараш имконини берувчи интеллектуал муҳитни шакллантириш ҳақида кетмоқда.

Бу ёндашувнинг илдизлари янги эмас. Ҳали 2017 йилдаёқ давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб, Исломни тинчлик, ахлоқ, маърифат ва бунёдкорлик дини сифатида дунёга қайта танитиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Яъни динни қарама-қаршилик манбаи эмас, балки маънавий бирлашув, ахлоқий барқарорлик ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамловчи куч сифатида кўриш ғояси илгари сурилган.

Бугун эса ушбу ғоянинг амалий ифодасини кўриб турибмиз. У маҳаббатли меъморчиликда, замонавий илмий инфра-тузилмада, энг муҳими, тарихни қайта англаш ва уни ҳозирги замон билан боғлаш имконини берадиган интеллектуал маконда ўз аксини топган.

Бу ерда энг муҳим жиҳат шунки, бундай марказлар ички барқарорлиқни шакллантирувчи маънавий пойдевор сифатида муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўзини англаган жамият ҳар қандай бекарорлик шароитида ҳам ўз йўлини йўқотмайди.

Ва айнан шу нуқтада ушбу муаззам лойиханинг принциплал мазмунини тўлиқ очилади. Ислом цивилизацияси марказида нодир қўлёзмаларига сақланмайдиган, осори атиқаларига намойиш этилмайди ёки унда илмий анжуманларига ўтказилмайди. Булар – унинг зоҳирий вазифалари, кўзга кўринадиган қатлами, ҳолос.

**АСЛИДА ЭСА БУ ЛОЙИХА АНЧА КЕНГРОҚ
ВА ЧУҚУРРОҚ МАҚСАДГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.
У ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЎЗЛИгини,
ЯъНИ ИДЕНТИФИКНИ АНГЛАШ ҚОБИЛИЯТИ
НИ ТИКЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА
ҚАРАТИЛГАН.**

Марказ жамиятга, энг аввало, вақт билан боғлиқлик ҳиссини қайтарди. У инсонни бугунги кун доирасидан чиқиб, уни узлуксиз тарихий жараённинг бир бўлаги сифатида кўришга ўргатади. Бу эса инсонни замон ичида йўқолиб кетмасликка, аксинча, ўз ўрнини англашга етаклайди.

У авлодлар ўртасидаги узилган ришталарни қайта боғлайди, хотирани тиклайди. Маданиятни эса асрлар давомида шакланган, доимий равишда янгилиниб борадиган тирик билим ва қадриятлар тизими сифатида намоён этади.

Бугун глобал ахборот оқимлари чегараларни деярли йўққа чиқарди. Маълумот тез, жавоблар осон, ҳулосалар эса кўпинча юзаки. Шу сабабли масалани теран англаш қобилияти секин-аста йўқолиб, инсон фикрлайдиган одамдан тез жавоб қайтардиган мавжудотга айланиб бормоқда.

Ана шундай шароитда теран фикрлаш, англаш ва ўтмиш билан мулоқот қилиш имконини берадиган Ислом цивилизацияси марказига ўхшаш даргоҳлар жамият учун интеллектуал таянч вазифасини бажариши мумкин. Улар жамиятни ўзини англаш орқали мустақил фикрлашга қайтаришга хизмат қилади. Ва айнан шу жиҳат бундай лойиҳаларнинг энг катта стратегик аҳамиятини белгилайди.

Зеро, жамиятлар бир онда инкирозга учрамайди. Аксинча, улар аста-секин, кўзга кўринмас жараёнлар орқали, босқичма-босқич заифлашиб боради. Ички емирилиш жамият ўзини унута бошлаганда – одоб-ахлоқ қадрсизланганда, билимнинг аҳамияти пайсаёганда, энг муҳими, асл ва сохтани фарқлаш қобилияти сусайганда бўй кўрсатади.

Бу жараён ташқи омиллардан мустақил равишда шаклланади. Ташқи таъсирлар эса, одатда, фақат катализатор вазифасини бажариб, аллақачон бошланган инкирозни тезлаштиради, ҳолос.


Шу маънода Ислом цивилизацияси марказини оддий музей сифатида қабул қилиш жиддий хатоидир. У – мудоффа шакли. Аммо бу ҳарбий ёки сиёсий маънодаги мудоффа эмас. Бу – анча теран ва салмоқлироқ ҳимоя шакли: цивилизациянинг мудоффа.

Бу ерда гап жамиятни ташқи душмандан кўра кўпроқ ички бўшлиқдан ҳимоя қилиш ҳақида борапти.

Марказ юзакиликка қарши туришни, маънолар йўқолишининг олдини олишни, тарихни парчаланган ва мазмунсиз фактлар тўпламига айланиб кетишдан асрашни назарда тутди.

Айнан шу нуқтада ёшлар масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки келажак тақдирини айнан улар белгилайди. Агар янги авлод ўзининг ким эканини, қайси маънавий ва интеллектуал анъаналар давомчиси эканини англамасан, у муқаррар равишда ташқи нарративлар таъсирини тушади. У содда, лекин жозибдор ғояларга, радикал қарашларга мойил бўлиб қолади.

Бундай шароитда инсон мустақил фикр юритмайди – у тайёр қарашларининга қабул қилади. Ва айнан шу ҳолат ҳар қандай жамият учун энг катта хавфлардан бирига айланади. Аммо ёшлар олдида тафаккур, илм-фан, маданият ва маънавий изланишларнинг яхлит ва жонли анъанаси очилса, бутунлай бошқача жараён бошланади. Ёшлар ахборотни англашга ҳаракат қилади, тарих билан мулоқотга киришади. Натижада инсонда ички таянч шаклланади. Ва айнан шу ички таянч мавжуд бўлган жойда уни йўлдан адаштириш,



қадриятлар тизимини издан чиқариш ёки ташқи таъсирлар орқали бошқариш анча мушкул вазифага айланади.

3

Шарқ тафаккури классиклари инсон қудратини бежиз билим билан боғламаган. Бу чуқур анланган цивилизациянинг қонуниятидир. Алишер Навоийнинг «Илм ўқуб қилмаган амал мақбул, Дона сочиб қўтармади маҳсул», деган иборасида сиёсий ва ижтимоий мантиқ ҳам мужассам. Чунки илм амалга айланмаса, у жамиятни мустаҳкамламайди. Илмсизлик эса инсонни заифлаштиради. Ва бундай заифлик нафақат маънавий, балки экзистенциал фалокатни ҳам келтириб чиқаради.

Жаҳолат бор жойда танқидий фикрлаш сусаяди. Танқидий фикрлаш сусайган жойда эса инсон мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини йўқота бошлайди. У фикрловчи субъектдан тайёр ғоялар ижрочисига айланади. Бу эса манипуляция учун энг қулай муҳитни яратди.

Натижада жамият осон радикаллашади, соддалаштирилган тушунчаларга ишонади, мураккаб воқелиқни «яхши» ва «ёмон» каби тор қилишга сиғдиришга уринади. Ва айнан шундай ҳолатда ташқи таъсирлар учун эшиклар кенг очилади, чунки ички мувозанат йўқолган жойда ташқи босим доимо устун келади.

Шу нуқтан назардан қараганда, Яқин Шарқдаги вазиятнинг фақат ҳарбий ёки геосиёсий воқеа сифатида баҳолаб бўлмайди. У ҳатто энг қудратли ҳарбий операция ҳам аниқ ва барқарор сиёсий натижага кафолатлай олмайди, деган яна бир муҳим ҳақиқатни намоён қилади. Зарба бериш мумкин. Мувозанатни ўзгартириш мумкин. Тизимни вақтинча издан чиқариш мумкин. Аммо ягона ҳаракат билан янги тартиб яратиш деярли имконсиз.

Яқин Шарқ тарихи бунга қайта-қайта исботлаб келмоқда. Вайронгарчиликларнинг бошқариб бўлмайдиган воқеаларга сабаб бўлганини кўп бор кўрганмиз.

Ва айнан шу ноаниқлик янги хавфлар, янги зиддиятлар ва янада мураккаб муаммоларни туғдиради. Чунки тартибсизлик назорат қилиб бўлмайдиган кучлар майдонидир. Шунинг учун бугунги давр давлатлар олдида икки тамал вазифани қўймоқда. Бир томондан, хавфсизликни таъминлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, инкирозларга тайёр туриш. Бу рад этиб бўлмайдиган, ҳаётини зарур вазифалардир.

Аммо иккинчи, ундан ҳам аҳамиятга эга бўлмаган вазифа ҳам бор – жамиятнинг интеллектуал ва маданий пойдеворини мустаҳкамлаш.

Чунки айнан шу пойдевор йўқ жойда ҳар қандай хавфсизлик вақтинчалик тус олади. Қурол ҳудудни ҳимоя қилиши мумкин, аммо барқарорлиқни яратма олмайди. Барқарорлик эса маъно, қадрият ва ўзини англаш орқали шаклланади.

Агар жамият ўзини англамасан, ўз қадриятларини тушунмасан, ўз тарихи билан боғлиқлиқни ҳис қилмасан, у ташқи жиҳатдан барқарор кўринса-да, аслида ичидан бўш бўлади. Ва бундай бўшлиқ ҳар қандай ташқи таъсир учун энг қулай муҳитга айланади.

Ислом цивилизацияси маркази айнан шу нуқтада ўзининг ҳақиқий аҳамиятини намоён қилади. У узоқ муддатли барқарорлик учун хизмат қиладиган институтдир.

Ушбу марказ шундай маконни яратадиги, унда билим, маданият ва инсонпарварлик тараққийнинг амалий ва самарали воситасига айланади. Ва айнан шу ерда куч ва маъно ўртасидаги мувозанатнинг ҳақиқий мазмунини очилади.

Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек, билимсиз инсоннинг кўнгли хурофотга мойил бўлади. Бу фикр замонавий дунёнинг ҳам стратегик формуласига айланиши мумкин. Чунки бугунги инкирозларнинг катта қисми дунёни нотўғри англашдан келиб чиқмоқда. Кўчли муқлаштириш, маданият аҳамиятини камситиш, мураккаб жараёнларни содда ва тезкор ечимлар билан алмаштиришга уриниш каби адашлар замонавий хавфларнинг асл манбаи бўлиб бормоқда.


Адаштиш нотўғри қарорларни келтириб чиқаради. Нотўғри қарорлар тарихий оқибатларга етаклайди. Шунинг учун билим нафақат шахсий камолот воситаси, балки жамият хавфсизлигининг ҳам асосий омилдир.

Тарих эса доим бир ҳақиқатни такрорлайди: хотирасиз етуқлик, билимсиз барқарорлик бўлмайди, маъносиз келажак шаклланимайди. Агар жамият ўз ўтмишини англамасан, хатоларни такрорлайверади. Агар билимга таянмасан, ташқи таъсирларга мойил бўлади. Агар у маънони йўқотсан, борар йўлини йўқотади. Эҳтимол, бугунги куннинг энг муҳим сабабларидан бири ҳам айнан шу қарама-қаршиликда мужассамдир. Дунёнинг айрим нуқталарида ҳали ҳам халқлар тақдирини босим ва куч орқали ҳал этиши мумкин, деган ишонч сақланиб қолмоқда. Қарорлар тез, зарбалар аниқ, натижалар эса кўпинча қисқа муддатли.

Бирок бошқа маконларда бутунлай бошқача жараён кечмоқда. У ерда жамиятлар ўзини қайта англашга, ўз тарихи билан мулоқот қилишга, билим ва маданият орқали ички таянч яратишга ҳаракат қилмоқда.

Бу – инкирозга нисбатан икки хил ёндашув. Кўчли қандай тушуншига оид икки хил фалсафа. Шунинг учун узоқ истиқболда галаба ҳар доим аниқроқ зарба берган томонга насиб этмайди. Тарихнинг танлови бошқача. У маънони сақлаб қолган, уни тизимга айлантирган ва энг муҳими, уни авлодларга етказган жамиятларни танлайди. Чунки урушлар харитани ўзгартириши мумкин. Аммо келажакни фақат билим шакллантиради.

Жаҳонгир НАҲАHOВ
«ISHONCH»



Доно кўринган нодондан ҳазар қил,
Илмда ҳаммадан камтар бўл.
Имом Мотуридий

Тадқиқот

ИБЛИСГА ИСЁН

Абдулла Орипов ижодида инсон руҳиятининг
энг теран қатламларидаги азалий кураш – Шоир ва Иблис
тўқнашуви алоҳида эътиборга молик

маънавий мустақиллиги унинг ўзлигини иблисининг арзон дунёсига сотмаслигида кўринади:

Шахсиятнинг Иблис устидан қозонган мутлақ зафарини тасдиқлайди:

**Керак бўлса, амр этса юрак,
Келтирурман умримга имон.
Менинг учун на таъзим керак,
На ҳолвайтар каби шухрат-шон.**

**Икки дўстнинг садоқати, меҳри, ҳиммати
Коиновнинг қадридан ҳам тургайдир баланд.**

Ижодкор шахсиятининг маънавий хурлиги инсоний қадриятлар бозор мезонларига алмашган муҳитда катта имтиҳонга дуч келди. Шоирнинг «Сароб» ва «Бозор» шеърларида мажхулнинг янги қиёфаси – «манфаатдорлик» гавдаланади. У энди инсонни нафақат мол-дунё, балки қалбни «сароб»ларга ошно қилиш орқали руҳий қарамликка солади.

Шоир «Мен англаб етган фалсафа» шеърини энди ўзлигини сотган куни Иблисининг маънавий зафари бошланганини фойда эътибори:

**Бозорга ўхшайди асли бу дунё,
Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъна.
Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло,
Молим ёмон, деган бирор кимсани.**

Шоирнинг «Жаннатга йўл» драматик достони Шоир ва Иблис ўртасидаги азалий баҳснинг энг қалтис нуқтасидир. Навоийнинг «имон гавҳарин кўнглумга сол» деган муножоти ушбу достоннинг маънавий пойдеворидир. Достонда Иблис Шоирга унинг умр бўйи қилган иккилаштирилари эслатувчи «имон ўғриси» қиёфасида келади.

Иблисининг маънавий шафқатсиз: «Сен ҳамма қатори эдинг, демек, сен ҳам бизникисан». Аммо Шоир шахсияти бу «тўдага қўшилиш» гирдобидан Тавба ва Чин дард орқали чиқиб кетади. Достон якунидаги илоҳий садоқат:

Иблис ниҳоятда кучли ҳисоб-китоб соҳиби бўлиб, у фақат фойда ва зиён мезонлари билан фикрлайди. Аммо шоир Шахсияти бу занжирларни Ишқнинг «ақлсиз» қудрати билан парчалайди. Навоий таъкидлаганини ишқсиз айтилган сўз рўҳсиз жасаддир.

А.Орипов шеъринида шайтонга лирик қаҳрамон исёнининг энг нури нуқтаси – Тавба палласи. Тавба Шоирга Иблис тортиқ қилган «сароб»ларни таниб олиш ва улардан юз ўгириш қудратини беради.

Шоир ва мажхул куч мулоқотининг якуни руҳнинг фойи дунё омонатларидан баланд кўтарилиб, боқийлик сари қилган зафаридир. Шоирнинг «Рухим» шеъри бу зафарнинг очик хитобномаси ўлароқ жаранг солади:

**Вужуд деганлари асли нимадир?
Дайр денгизда юрган кемадир.
Бир кун бир қояга урилгай кема,
Рухим, сен вужуднинг гамини ема.**

Иблисининг энг катта мағлубияти шундаки, у Шоирни «юзсиз» қила олмайди, унинг Сўзини нафс бозорига сотилишига мажбур этолмайди. Рухнинг зафари Сўзнинг боқийлигида, Имоннинг бутунлигида ва Илоҳий Муҳаббатнинг нуридадир.

Мунисжон ҲАКИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи бўлим мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири

Шоирнинг «Одам ва Шайтон қиссаси»да Иблис ташқи бир мажхул куч эмас, балки инсон ботинидаги «менлик» даъвосининг бадийлашган қиёфасидир. Шайтон Одам Ато фитратидаги энг нозик заифликни нишонга олarkan, Ҳазрат Навоий айтган «маҳв айла нақши мосиво» (дунёвий ҳирси ўчир) ҳикматининг тескари акси содир бўлади.

Абдулла Орипов талқинида Шайтоннинг энг хатарли макри унинг инсон вужудига, қонига сингиб кетганидир. Бу Шахснинг ўз виждони билан юзма-юз келишини мураккаблаштирувчи ботиний истилодир:

**Йўлдан урдим сени мудом,
Азоб бердим жонингга,
Мен галаба қилдим охир,
Кирдим энди қонингга!**

Абдулла Орипов шеъринида Иблис шунчаки жаҳолат тимсоли эмас, балки ниҳоятда кучли «мантиқ» соҳиби сифатида гавдаланади. У ижодкорга ҳамшиша «реаллик», «манфаат» ва «замон билан ҳамнафаслик» ниқобида яқинлашади. Бу руҳий озодликни моддий ўлжага алмаштириш тақлифидир.

«Одам ва Шайтон қиссаси»да Иблис инсонни «манглик» ваъдаси билан алдаркан, аслида Хожа Аҳмад Яссавий таъкидлаган «олтмиш бошли нафс»нинг биринчи тиши – манманликни ишга солади. Иблис Шоирга санъатни нафс бозорининг матоҳига айлантиришни, шухрат илнжида «ялтоқланишни» уқтиради. Аммо Шоирнинг



МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ...

Мен негун севаман Ўзбекистонни,
Тупрогин кўзимга айлаб тўтиёй.
Негун ватан, дея еру осмонин,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида дунёда танҳо нима бор?
Пахта ўсмайди ўзга элда ё?
Ёки қуёшимиз севимга сабаб?
Ахир қуёшимиз-ку, бутун Осийё.

Мен негун севаман Ўзбекистонни,
Богларин жаннат, деб кўз-кўз этаман.
Негун ардоқларкан тупрогини мен,
Ўпаман, тупрогинг бебаҳо, Ватан!

Аслида тупроқни одил табиат,
Тақсим айлаган-ку, ер юзига тенг
Негун бу тупроқ, деб йиғлади Фурқат,
О, Қашқар тупроги, қашшоққиндиг сен?

Мен негун севаман Ўзбекистонни?
Сабабини айтгин, десалар менга.
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин,
Мен таъзим қиламан она халқимга:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда,
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасдим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар, майли, гулласин,
Бог унсин мангулик музда ҳам, аммо,
Юртим, сени фақат бойликларинг гун
Севган фарзанд бўлса, кегирма асло!

Фотокўргазма

Сирдарё вилоятидаги Ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Бадий Ижодкорлар уюшмаси Назира Боймуродованинг «Баҳор келди, Гулистонимга» номли шахсий фотокўргазмаси ўтказилди.



ҲАР СУРАТНИНГ ЎЗ ҲИКОЯСИ БОР

Ижодкорнинг фотосуратларида халқимизнинг урф-одатлари, миллий либослари ва қадриятлари, юртимиздаги миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик, беғуборлик, шукроналик туйғуларни бадий жиҳатдан акс этган, дейди Ўзбекистон Бадий Ижодкорлар уюшмаси аъзоси Тоҳир Шоймуродов.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, Н.Боймуродова фото санъати билан ўн олти йилдан буён шуғулланиб келмоқда. Шу вақтга қадар унинг ўттиздан ортиқ шах-

сий кўргазмаси намоён этилган. Бу галли «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили»га бағишланган кўргазмаси 21 мартга қадар давом этади.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Дўстим газетада ишлайсиз-ку, бир воқеани ёзсангиз-чи, фақат кимлигимни айтмайсиз. Савдомдан барака қочиб, бошимга тушган ташвишлардан хабарингиз бор. Уни аритиш учун нажот истаб, Нурота зиёратгоҳига оилам билан бордим. Йўл-йўлаккай фарзандларимга тайинладим: «Кўнглиларингизда неки бўлса, ният қилинглр, албатта, ушалади, бу ҳақда кўп эшитганман».

Тошкентдан бир неча юз километр йўл босиб, манзилга етиб борган, зиёрат қилдик. Кейин ёлғиз айлана бошладим. Бир маҳал қаршимдан чиққан лўли: «Бошингизга ташвиш тусибди, улардан фориғ бўлишни хоҳлайсизми?» деди. Фол очмоқчи, деган хаёлда ундан узоқлаша

Кўзгу БОПЛАДИ, ЛЕКИН

бошладим. У бўлса, қўлидаги бир шода тасбеҳдан бирини олиб, «20 минг сўмга сотиб олинг», деди. Чарчаганим учун тезроқ қутулай, дедим-да, пулни узатдим. Кейин лўли мени «сехрлади»:

– Шу пулингизга барака ўқиб қўяйми, ишингиз яна ривож топади.

Иримчилигимга бордим: «Ўқинг».

– Майда пулга ўқийманми, чиқаринг йирикроғини, ҳа-а, икки юз минг сўм бўлади.

Кейин у қутилмаганда пулимга туфлади ва бармоғини игна билан тешиб, қонини текизди, пулни буқлаб, ўртасидан озроқ йиртиди-да: «Бу сизнинг гамингиз, буни қабрис-

тонга кўмиш керак», деди. Нима қилишни билмай қолдим, туфланган, қон суртилган, йиртилган пулни олиш керакми-йўқми?

Уни ҳақорат қилишдан ўзимни зўрга тийдим, тилимга келгани «Бор-» деган сўз бўлди. Алам қилгани, бошқа бир тиланчи айна шу йўл билан аёлимдан ҳам юз минг сўм олибди.

Шуни ёзинг, бошқалар алданмасин. Аммо бу ҳақда танишларга гапириб юрманг, устимдан қулишади. Бировга айтмаслигингизни билганим учун сизга ёрилдим. Лўли бошлади, лекин...

**АЛИЖОН
АБДУСАТТОРОВ**
«ISHONCH»

**Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!**



Абдулла Орипов шеъри
**«БИРИНЧИ
МУҲАББАТИМ»**
КЎШИГИ

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зухро юлдуз милтираб, хира ханда отганда,
Рухимда бир маънолик, сокинлик уйғотганда,
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.



MUASSIS:
O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi)

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA,
Anvar QULMURDOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatir va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulruhbegim ODASHBOYEVA

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bo'shiga topshirish vaqti – 22:50
Topshirildi – 23:10

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilayshirgan
tashkilot javobgar.**

Umumiy adadi 35 285 ta

Shundan: 6 610 nusxasi
«Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadordik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;
19 477 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 198 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uйда chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: 199**
1 2 3 4 5 6